



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 27 сентябр, жума № 154 (1371)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАҚСАД ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ МУШТАРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 23-25 сентябр кунлари расмий ташриф билан Литва Республикасида бўлди

Литвада табиатнинг эҳсонлари кўп. Мамлакатнинг баланд тоғлари йўқ, қуюқ ўрмонлар ҳам кам. Яшил майса билан кўмилган ясси текисликлар, мовий кўллари сокин дарёлар, дарахтзорлар Литвага қурқ бахш этади.

Мамлакат пойтахти - Вилнюс. Нарис ва Вилня дарёлари туташган жойдаги бу қадим шаҳар (у 1323 йилда барпо этилган) Рим, Византия, Европа ва Осиё маданиятларини туташтирувчи шимолий нуқта бўлган. Вилнюснинг тарихига қизиққан одам шаҳардаги обидаларни кўздан кечирса кифоя. Черковлар, ибодатхоналар, миноралар, ҳарбий истеҳкомлар, жинкўчалар, ўрта асрларга хос ташқи оламдан яширин ҳовлилар, бошқа иншоотларда Европа цивилизацияси тарихида учрайдиган қурилиш, маданият, илми ҳарб аъёнларининг кўп қисми намоян. Европанинг кўп аъёнлари шу ерда муассасам бўлиб, бир-бирини тўлдириб турибди. Вилнюснинг «эски шаҳари» минтақада энг катта ҳисобланиб, ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданият мероси дурдоналари рўйхатига киритилган.

Президент Ислон Каримовнинг ушбу гўзал дёрга қадами қутлуг келгани самолёт Вилнюс аэропортига кўнгандаёқ маълум бўлди. Литваллик ҳамкасбларимизнинг айтишича, 23 сентябрда қадар уч кун тинимсиз ёмғир ёққан. Шу кун эса эрталабдан қуёш чарқлабди (одатда анчайин серёгин кечадиган бу мавсумда ташриф давомида қуёш чарқлаб турди).

Ўзбекистон-Литва муносабатлари музокара-ларнинг бош мавзуси бўлди, албатта. Президентимиз таъбири билан айтганда, давлатлараро муносабатлар асосида аввало иқтисодий ҳамкорлик ётади. Бошқа соҳалар, хусусан, сийёсий жаҳадаги ҳамкорликни истисно қилмаган ҳолда, таъкидлаш жоизки, манфаат, фойда бўлмаса, ҳақиқатан ҳам, алоқадан, борди-қалдидан наф йўқ. Демак, дастлабки мавзу иқтисодий муносабатлар ҳақида.

Утган йили Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми 1994 йилдагига нисбатан уч баробар кўп бўлди. Лекин мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг Президент Валдас Адамкус билан учрашувида ҳам, Бош вазир Алгирдас Бразаускас билан музокарасида ҳам ҳозирги кўрсаткичга қониқарсизлик билдирилди. Негаки, ҳар қанча катта бўлма-



син, хозирги рақамлар, ўсиш суръати салоҳияти имкониятларимиз даражасида эмас.

Ислон Каримов ташрифдан қўзланган мақсад ҳамкорлик янги суръат ва шиддат бахш этиш эканлигини таъкидлади ва муносабатлар ривожига тўсиқ бўлаётган омиллар, янги ва янги имкониятлар ҳақида сўзлади. Мамлакатимиз раҳбарининг сўзларига кўра, озиқ-овқат, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, кимё, тўқимачилик ва электротехника саноатида, шунингдек, қурилиш материаллари, мебель, халқ истеъмоли моллари, дори-дармон ишлаб чиқаришда янги-янги лойиҳаларни ишга солиб, икки томон учун ҳам манфаатли дастурларни амалга ошириш мумкин.

Сармою соҳасига келсак, Ўзбекистон ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, пахта-ни сўнги паллагача қайта ишлаш манфаатдор. Демак, Литва тўқимачилик саноати юқсак даражада тараққий этганидан фойдаланмоқ мақсадга мувофиқдир. Бунинг энг осон, содда ва кенг тарқалган йўли - қўшма корхоналар тузиш. Мисол тариқасида Хинди-стондаги вазиятни олайлик. Бу мамлакатда тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортдан келадиган даромад ялли миллий экспортдан келадиган даромаднинг 35 фоизини ташкил этади. Утган йили у 17 миллиард АКШ долларига етган. 2010 йилда бу рақамнинг 50 миллиардга етказиш режалаштирилмоқда. Ваҳоланки, бизда Хинди-стондагидан кўпроқ пахта етиштирилади. Демак, Ўзбекистон ундан ҳам

юқориқоқ марраларни кўзлаши мумкин. Бунинг учун ишончли шерик, замонавий техника ва технологиялар керак.

Узаро муносабатларда энг аҳамиятли бўлган транспорт соҳасига алоқиди тўхталиш жоиз. Яна пахтага келайлик. Илгари Кавказдаги бандаргоҳлардан четга чиқарилган пахта, мустақиллик йилларида Болтиқбўйи орқали хориждаги мижозларга борадиган бўлди. Сабоби оддий - Болтиқбўйида юк ташиш хизмати Фарбий Европа даражасида қийинлашиб қолди. Кишда музламайдиغان Клайпеда бандаргоҳларнинг фойдаланиш Ўзбекистон учун ҳам, Литва учун ҳам муҳим ва фойдали. Аммо, турли сабабларга кўра, бу борадаги кўрсаткичлар сўнги вақтларда пасайиб кетди.

Тадбиркорлар билан учрашувда Ислон Каримов Ўзбекистоннинг шакарга йиллик эҳтиёжи 400 минг тонна эканини айтди. Бу мисол тариқасида айтилган гап. Ўзбекистон бу эҳтиёжин ундан бир қисmini ўз имкониятлари ҳисобига қоплайди. Қолганини четдан келтириши керак. Бунда аъёнларнинг шериклар кўп келиши турган гап. Ислон Каримов Литва томонини шундай жаҳалларда фаоллик кўрсатишга, ўзгаларнинг рақобатидан қўз юм-масликка чакирди.

Вилнюс музокараларида бир неча тақриф ўртага ташланди. Бош вазир Алгирдас Бразаускас би-

лан учрашувдан кейин Ислон Каримов Литва телевидениеси мухбирига интервью берар экан, узаро савдо йиллари очиш мақсадаги мувофиқ эканлигини таъкидлади. Бу муассасалар аввало конъюнктуранинг ўрганиши. Таала ва тақриф ҳақида аниқ маълумот бўлса, савдо-сотиқни ривожлантириш, қўшма корхоналар сонини ошириш анча энгиллашади.

Ишбилармонлар билан учрашувда литвалликлар Клайпедада шундай муассаса очиш учун имконият мавжудлиги, Ўзбекистон томонидан билдирилган барча тақрифлар мазкур эканлигини таъкидлади.

Умумий келишувга кўра, иқтисодий алоқаларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва ривожлантириш, тўсиқларни очиш ва муаммоларга ечим топиш учун савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Литва ҳукуматлараро комиссияси тузилади. Унинг илк мажлиси яқин орада Тошкентда ўтказилади.

Вилнюс музокара-ларнинг натижаси ўлароқ бир неча икки томонлама ҳужжатлар қабул қилинди. Президентлар Ўзбекистон билан Литва ўртасида Давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Шунингдек, ташқи ишлар вазирликлари, мудофаа маҳкамалари, бошқоқна хизматлари ҳамда миллий университетлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Энди бевосита сийёсий соҳага тўхталик. Ўзбекистон мустақилликка эришган илк пайтдаёқ Болтиқбўйи давлатларининг суверенитетини тан олганди. Жавоб ҳам шунга яраша бўлган. Айни пайтда Литва (унинг икки

қўшнис - Латвия ва Эстония ҳам) Европа Иттифоқи ва НАТОга қўшилиш арасида турибди. Кўхна дунё ҳамжамияти сармоялар ва иқтисодий юқалишининг янги суръатини ваъда қилса, Трансатлантика уюшмаси ҳамкорликни таъминоти зиммасига олади. Шунингдек, Латвия ва Эстония билан алоқиди ўрнатилмайдиган, дегани эмаслигини таъкидлади. Бошқана айтганда, Литва ва умуман Болтиқбўйи давлатларининг интилиши Фарб билан чекланиб қолмайдиган бўлиши мазкур мамлакатлар янги идрок этади. Дейлик, террор, экстремизм, айирмачилик, нарқобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, уюшган жиноятчилик каби иллатларга қарши курашда Литва учун Ўзбекистон билан ҳамкорлик зарур. Президент Валдас Адамкус илк учрашувдаёқ Ислон Каримовга Ўзбекистон бутун дунё нигоҳи қадалган Марказий Осиё минтақасида кечаётган жараҳатларда муҳим ўрин тутганини таъкидлади. Афғонистондаги тикланиш ишларида икки мамлакат қурувчиларининг биргаликда ҳаракат қилиши ҳар томонлама фойдали бўлишини ҳам айтди.

Литванинг ишбилармонлари ҳам Ўзбекистоннинг ақилдор операцияси доирасидаги дадил қадамларини таъкидлаб ўтди. Литва Тўқимачилик корхоналари уюшмаси президенти, Саноатчилар федерацияси вице-президенти, «Аудейас» тўқимачилик корхонаси бош директори Йонас Карчиаускас ҳамкорликни

кенгайтириш борасидаги фикр-мулоҳазалари ва тақрифларини баён қилар экан, Ислон Каримов анча йил аввал биринчи бўлиб БМТ минбаридан бутун дунёни террорга қарши курашга даъват қилганини кайд этди. Президентимизга Литва давлатининг энг олий муқофоти - Буюк Витаутас ордени берилди. Бу муқофот Литва халқи ва айни пайтда бутун башариёт фаровонлигини ошириш йўлида хизмат кўрсатган арбобларга топширилади. Ислон Каримовнинг Ўзбекистон-Литва муносабатларини ривожлантириш борасидаги жонқуярлиги ва халқаро террорчиликка қарши курашдаги қатъияти учун берилган муқофот бу. Қолаверса, ушбу воқеа Литва томонида Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга интилиш кучли эканлигининг яна бир тасдиғидир...

Президентимиз Вилнюс университетига ташриф бурди. Бу ерда тарихий кутубхона бор. Унинг бунёд этилиш даври университет таъсис этилган вақт - XVI асрга бориб тақалади. Қадимийлиги баробарида бу кутубхона жуда бой. Ислон Каримов қадам ранжиди қилган чоғда жавонларда Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Улуғбек тадқиқотлари, Алишер Навоийнинг «Сабъи сайё», Бобурнинг «Бобурнома», Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи, «Алломиш» достонидан бугунги адабиётимизга оид асарларга ҳамда кўп китоб йилганини кўрдик. Литванинг энг қадим, энг катта университетиди Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор, Улмас Умарбеков ва бошқа кўплаб адибларимизнинг асарларини Литва тилида мутолаа қилиш мумкин.

Президент Валдас Адамкус Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи ўтган даврдаги ишларни сарҳисоб этиб, келажакка янада террор божик имконини яратганини таъкидлади. Аввал яккама-якка учрашувда, сўн кенгайтирилган тартибдаги музокарада, ундан кейин эса матбуот анжуманида шу жумла кўп янгради. Бу бежиз эмас. Истиқлол қадрига етган, уни мустақамлашга туну кун ҳаракат қилган халқ буюк келажакқа кўз тикиши мумкин. Бу жиҳатдан ўхшашлигимиз кўп ва ҳўб. Демак, интилишларимиз ҳам муштарак. Ислон Каримовнинг Литва Республикасига расмий ташрифи ана шу ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлади.

Анвар БОБОЕВ,
Ўза махус мухбири.
Тошкент-Вилнюс-
Тошкент.

Мингбулоқ тумани маркази Жомашуй кўли са-
ийн чинакамига шаҳар тусини олмоқда. Бу ерда
янгидан-янги турар жойлар, маданий-маиший
бинолар, мактаб ва бошқа муассасалар қад
рошламоқда.

Яқинда яна бир ҳашаматли бино — икки қават-
ли супермаркет дўкони қурилиб фойдаланишга
топширилди. Энг замонавий лойиҳа асосида
қурилган мазкур иморат кундалиқ турмуш учун
маҳсулотлар билан савдо қилишга ихтисослаш-
ган.

— Бизда 700 турдаги озиқ-овқат, саноат, киш-
лоқ хўжалик маҳсулотлари сотилади, - дейди
савдо тармоғи директори Собиржон Холиқов. —
Биз уларни шартнома асосида жойлардан кел-
тираемиз. Шохобчамиз дастлабки кунларданқ
харидорлар билан гавжум. Ойига камида 10 мил-
лион сўмликдан ортиқ савдо хизмати кўрсатиш-
ни мўлжаллаб турибмиз.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Меҳнат муҳофазаси

ХАЙРЛИ ИШ

Ҳар кун ишга отланаётим, қарияларнинг
дуоларини оламиз. Балло-қазодан ўзинг
асра, дея тилак билдиришади улар. Лекин
кўп нарса ўзимизга ҳам боғлиқ. Кўча-қўйда
эҳтиёт бўлсак, иш жойида техника хавфсиз-
лигига тўлиқ риоя этилса ҳамда бунда му-
тасадди раҳбарлар сидқидилдан гамхўрлик
кўрсатса, қанчадан-қанча фалоқатларнинг
олди олинган бўлармиди...

Ўз атрафига 34 та Жароҳатланишлар
бошланғич ташкилотни бошқариш
бирлаштирган республика авиация
хизмати хизматлари касабга уюшма
Марказий қўмитаси бу масалага
жиддий муносабатда бўлиб келаёт-
гани таҳсинга лойиқ.

Меҳнаткашларга қулай иш шари-
ти яратиш, меҳнат муҳофазасини
яхшилаш борасида кўпгина ишлар
амалга оширилмоқда. Бу эса ўзининг
ижобий натижасини бермоқда. Хусусан,
Тошкент халқаро аэропорти, Авиация
таъмирлаш заводи, «Узавиация»
марказида ишлаб чиқаришдаги
жароҳатланишлар сони йилдан йилга
камайиб бормоқда. Иш жойларида
меҳнат муҳофазаси бўйича фаолият
кўрсатаётган муваффақиятларда асосий
омил бўлмоқда. Иш жойларининг ўз
вақтида аттестациядан ўтказилиши
касб касаллигига чалинганлар сонининг
кескин камайишини таъминлади.

Эндиликда оғир иш жойларида меҳнат қилаётганларга меҳнат таъти-
лига қўшма равишда 18 кун қўшиб берилмоқда. Улар 4
фоиздан 20 фоизгача устама ҳақ оли-
шяпти.

Тармоқ корхоналарида, афсуски,
ечимини қутаётган муаммолар
кам мавжуд. Бу ҳам бўлса меҳнаткашларни
маҳсус кийим-бош би-
ча таъминлашдири. Бу-
нинг устига айрим кас-
саба уюшмалари кўми-
таларининг раислари
бу борада ўзларига бе-
қимитасининг бош те-
хник нозирини Леонид
Глушко. — Шу мақсад
учун йил бошидан буён
200 миллион сўмдан
зиёд маблағ сарфлан-
ди.

Дарҳақиқат, тармоқда
ишлаб чиқаришдаги
жароҳатланишлар сони
қулай иш шари-
ти яратиш учун тармоқ раҳ-
барини қўмита томонидан бар-
ча чоралар қўрилмоқда. Бу-
Чунки, авиация билан
ҳазиллашиб бўлмайдиган,
- дейди тармоқ касабга
уюшмалари Марказий
қўмитасининг бош те-
хник нозирини Леонид
Глушко. — Шу мақсад
учун йил бошидан буён
200 миллион сўмдан
зиёд маблағ сарфлан-
ди.

Дарҳақиқат, тармоқда
ишлаб чиқаришдаги
жароҳатланишлар сони
қулай иш шари-
ти яратиш учун тармоқ раҳ-
барини қўмита томонидан бар-
ча чоралар қўрилмоқда. Бу-
Чунки, авиация билан
ҳазиллашиб бўлмайдиган,
- дейди тармоқ касабга
уюшмалари Марказий
қўмитасининг бош те-
хник нозирини Леонид
Глушко. — Шу мақсад
учун йил бошидан буён
200 миллион сўмдан
зиёд маблағ сарфлан-
ди.

Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири.

СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Республика «Маънавият ва маъри-
фат» марказида маънавий-маърифий
соҳа ходимлари учун ташкил этил-
ган ўқувнинг навбатдаги битирувчи-
ларига «Маънавият тарғиботчиси»
сертификати топширилди.
Тингловчилар ўқув давомида
«Миллий истиқлол гоёси: асосий ту-

шунча ва тамойиллар», «Тарихга ян-
гича муносабат», «Хуқуқий маданият
асослари» каби мавзулар бўйича бил-
им олди. «Шаҳидлар хотираси» ёд-
горлик мажмуи, Темирийлар тарихи
Давлат музейи, Тошкент Ислон уни-
верситетида амалий машғулотларда
қатнашди.

Шу кунгача қарийб 450 нафар
тингловчи ана шундай сертификат
топширилди.

(Ўза).

МОЛИЯВИЙ ЖАРИМА

**Яқинда инспекциямиз ходимлари Фаргона ҳудудидида белги-
ланган тартибда назорат текширувлари ўтказдилар. Афсу-
ски, текширишлар давомида айрим савдо шохобчалари хо-
димлари ва тадбиркорлар фаолиятида Вазирлар Маҳкамаси
қарорлари ижроси талаб даражасида эмаслиги маълум бўлди.**

Масалан, «Таълим савдо маркази» унитар корхонаси нақд пул тушуми бўйича бел-
гиланган касса режасини ба-
жармаган. Бу ерда ўтказилган
текширишда муайян миқдорда-
ги пул назорат касса машина-
сига (НҚМ) кириб қилинмаган-

лиги аниқланган. Бу қонунбу-
зарлик корхонага қимматга
тушди. Амалдаги тартиб-
қоидаларга кўра таълим савдо
марказига 45 350 сўм маъму-
рий ва 453350 сўм молиявий
жарима солинди.

Худди шундай қонунбузар-
лик «Аҳмаджон» хусусий фир-
масида ҳам аниқланди. Бу

ерда ҳам белгиланган нақд пул
тушуми бўйича касса режаси
бажарилмаган. Бу ҳам етмагач-
нидек, 15470 сўм савдо пули
НҚМга кириб қилинмаган.
«Кавсар» хусусий фирмасида
ҳам нақд пул тушуми режаси
меъёрига етказилмаган.

(Давоми 2-бетда).

«Ишонч» фойш этади

АССАЛОМ, XIV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ!

Яқиндагина футбол бўйича Жаҳон чемпионати мусобақаларига мезбонлик қилган Жанубий Корея бугун ана бир ажойиб спорт байрамига тайёрланмоқда. 29 сентябр куни мамлакатнинг Пусан шаҳрида XIV Осие ўйинларига старт берилди. Нуфузли мусобақада Осиенинг қирқдан ортиқ мамлакат вакиллари спортнинг 38 тури бўйича голиблик учун кураш олиб бордилар.

Мустақил юртимиз спортчилари мазкур мусобақаларда 1994 йилдан бунён қатнашиб келмоқда. Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтган XII Осие ўйинларида юртдошларимиз илк маротаба қатнашиб, ажойиб натижаларни қўлга киритишганди. Спортчиларимиз 10 та олтин, 12 та кумуш ва 20 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида қирқ икки мамлакат вакиллари орасида бешинчи ўринга кўтарилган эдилар. Бу ютуқларда, айниқса футболчиларимизнинг улуши катта бўлган. Улар голиблик йўлида қитъанинг энг кучли жамоалари — Саудия Арабистони, Жанубий Корея ва Хитойни мағлуб этишганди. Бу галаба ўзбек футбол тарихида ханузгача энг ёрқин хотира бўлиб турибди.

Ўзини эгаллаб, ўзбек бокс мактабининг нима-ларга қодирлигини намоян этишди.

Пусанда ўтадиган Осие ўйинларида 165 нафар ҳамюртимиз 23 та спорт тури бўйича иштирок этади. Ҳўш, бу галги мусобақага спортчиларимиз қандай тайёргарлик кўрдилар?

Аввало XIII Осие ўйинларида энг кўп медаллар шодасини қўлга киритган боксчиларимиз ҳақида. Ўзбекистон бокс федерацияси ходими Олим Маҳмудовнинг билдиришича, бу йилги мусобақаларда ҳам боксчиларимиз тўлиқ таркибда қатнашади. Малякали мураббийлар Марс Кўчқоров, Темур Гусайнов, Алишер Қодировлар кўл остида тайёргарлик олиб борган Тўлашбой Дониёров (51 кг.), Бехзод Хидиров (54 кг.), Дилшод Маҳмудов (60 кг.), Бахит Сасибов (63,5 кг.), Сиросиддин Наимов (71 кг.), Ўткир Хайдаров (75 кг.), Икром Бердиев (81 кг.), Рустам Саидов (91 кг. юқори), Сергей Михайлов (ўта оғир вазнда)лардан умид катта. Ўйлаймики, бу сафар ҳам боксчиларимиз Пусаннингларидики ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтардилар.

Футбол беллашувлари бу йил ҳар сафаргидан кўра бошқачароқ кўриниш олади: Пусанда биринчи марта мамлакат шарафини 23 ёшдан кичик футболчилар ҳимоя қилишади. Истиқно тариқасида 24 ўйинчидан иборат таркибга уч нафар катта ёшли футболчиларни қўшишга рухсат этилган. 24 та жамоа қуръа натижасига кўра олти гуруҳга бўлинган ҳолда чорак финал йўланмаси учун бўлиб боришади. Беллашувлар 27 сентябр куни,

таркибда йўл олишган: Дарвозабонлар: Маъмур Икромов, Алексей Корнейчук. Ҳимоячилар: Асрор Алиқулов, Камол Кенжаев («Насаф»), Максимум Усмонов, Даврон Одилов («Навбахор»), Илья Кликунов («Дўстлик»). Ярим ҳимоячилар: Алексей Николаев, Руслан Вагапов, Марат Ахмеров, Ринат Байрамов (ҳаммаси «Қизилқум»дан), Отабек Пирматов («Навбахор»), Баҳром



СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

қирган Япония ҳамда Баҳрайн, Иордания жамоаларига қарши тўп суради. Вакилларимизга осон бўлмагани аниқ. Бу ҳақда терма жамоа бош мураббийи Равшан Хайдаров УФФда ўтказилган матбуот анжуманида шундай деди:

— Биз кучли гуруҳдан ўрин олдик, устига устак, Осие ўйинларига янги таркиб боради. Бу — мураббийлар кенгашининг қарори. Қарорга биноан «Пахтакор» ва «Нефтчи»нинг Чемпионлар лигасида муваффақиятли қатнашиши учун барча шароитларни яратиш, жумладан, уларнинг таркибидан ҳеч кимни олмасликка қелишилди. Янги таркибнинг ҳам ўз режа ва мақсадлари бор. Мазкур таркибдан келаси йили апрелда бошланадиган Олимпиада ўйинларига муносиб номзодларни танлаб оламиз. Демак, Осие ўйинлари биз учун катта мактаб бўлса, ажабмас.

Демак, Осие ўйинларига футболчиларимиз куйидаги

МАЙДОНДА — ФАХРИЙЛАР

Тошкент вилояти қасаба уюшмалари Кенгаши Қарияларни кадрлаш йили муносабати билан кесаларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш борасида қатъий дастур асосида қўлаб хайри тadbирларни амалга оширмоқда.

Чирчиқ шаҳрининг «Олмос» спорт клубида бўлиб ўтган вилоят фахрийлари спартакиадада беллашувлари барча иштирокчиларда ана шундай тadbирлардан бири сифатида ёрқин таассурот қолдирди. Мусобақада 45 ёшдан 75 ёшгача бўлган эркак ва аёллар — спартакиаданинг туман ва шаҳар боксчилари голиблари бўлмиш 200 нафардан ортиқ фахрийлар спортнинг 6 тури бўйича бахшландилар. Шоҳмат, стол тенниси ва армрестлинг (қўл кураши) беллашувларида Чирчиқ шаҳрининг «Кимёгар», минни футбол ва дартс мусобақаларида «Олмос» спорт клублари вакилларининг қўли баланд келди. Енгил атлетика бахшларида эса Янгийўл шаҳри жамоаси голибликни қўлга киритди.

Олимпия захиралари

Истиклол йилларида мамлакатимиз спорти мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Спортчиларимиз жаҳон майдонларида катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Таяқдлаш лозимки, мамлакатимиз спортини юксалтириш, етук спортчиларни тарбиялашда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамаиати ҳамда унинг тасарруфидоги спорт мактабларининг ҳам муносиб ўрни бор. Зотан, сўнгги йилларда қасаба уюшма спорти тарбия-

УМИДИМИЗ КАТТА

ланувчилари Ватанимиз шухратини дунёга дoston этиб, юртимизга шодашода медаллар билан қайтмоқдалар. Ана шундай мактаблардан бири сув спорти бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари мактабидир. Бугунги кунда жаҳон спорт ишқибозларининг диққат-марказида турган XIV Осие ўйинларида ҳам Олимпия захиралари мактабидан 20 нафар спортчи сув спорти турлари бўйича иштирок этади. Уларнинг 12 нафари байдаркада ва 6 нафари академик эшак эшиш, 2 нафари эса сузиш бўйича беллашувларда қатнашади.

— Спортчиларимиз Осие ўйинларига алоҳида тайёргарлик кўрдилар, — дейди мактаб директори, хизмат кўрсатган мураббий Татьяна Маматкулова. — Уларнинг ҳар қири, ҳам жисмонан мукамал ҳозирлик кўришлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Машиқлар Чорвоқда энг тажрибали мураббийлар раҳбарлигида олиб борилди. Спортчиларимиздан умидимиз катта.

Шу ўринда Олимпия захиралари мактаби фаолиятига тўхталиб ўтасан. Ушбу мактабда айна кунда 4 та бўлим — байдарка ва каноэда эшак эшиш, академик эшак эшиш, эшак эшиш федерацияси ҳамда сузиш бўлимлари бор. Байдарка ва каноэда ҳамда академик

эшак эшиш бўлимларига тарбияланувчилар 12-13, эшак эшиш слаломига 11-12 ёшдан, сузиш бўлимига эса 6-7 ёшдан қабул қилинади. Бугунги кунда мактабда 923 нафар ўғил-қиз сув спорти бўйича шугулланмоқда. Уларга Юрий Серебряков, Вячеслав Сергеев, Ирина Ганиева, Константин Лягин, Виолетта Шубина сингари тажрибали мураббий-ўқитувчи сабоқ бермоқда.

Юқорида спорт мактаби ютуқларидан сўз очган эдик. Дарҳақиқат, бугун спорт мактаби ҳавас қилса арзигулик

муваффақиятларга эга. 1994 йилдан то бугунга қадар энг йирик халқаро мусобақаларда мактаб тарбияланувчилари ўнлаб галабаларга эришдилар. Хусусан, Осие ўйинларида 4 та олтин, 9 та кумуш, 15 та бронза медаллари қўлга киритилди. Жаҳон кубокларида эса олтин медаллар сони 8 тага етди. Шунингдек, Жаҳон чемпионатларида ҳамюртларимизга 2 та кумуш ва 2 та бронза медаллари насиб этди. 26 нафар халқаро тоифадаги ва 58 нафар спорт устаси, 4 нафар хизмат кўрсатган спорт устаси тайёрлашга эришилди.

— Яқинда спортчиларимиз ажойиб натижани қўлга киритишди, — дея суҳбатни давом эттиради мактаб раҳбари. — Испаниянинг Севилья шаҳрида ўтказилган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Жаҳон чемпионатида Антон Ряхов кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлди. Етмишдан зиёд мамлакат спортчилари иштирок этган ушбу нуфузли биринчилиқда вакилимизнинг шохсупага кўтарилишини мамлакатимизда спортга бўлган юксак эътибор натижаси деб биламан. Эндиги нигоҳлар Осие ўйинларига қаратилган. Ишонманки, тарбияланувчиларимиз бу сафар ҳам зафар қучади.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
ЎзКУФК матбуот котиби.

Эшитдингизми, ўқидингизми?

ОФК «АЛ-ВИХДАТ»НИИ ЖАЗОЛАДИ

Осие чемпионлари лигасида Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси билан беллашган Иорданиянинг «Ал-Вихдат» жамоаси китъа Футбол Конфедерацияси томонидан жазоланди. Хусусан, Тошкентдаги учрашувда М.Қосимовга нисбатан қўполлик ишлатгани учун майдондан четлатилган иорданиялик ҳимоячи Ашраф Шатат маълум муддатга барча расмий мусобақалардан четлаштирилди. «Ал-Вихдат» клуби эса ўша учрашувдаги ноўрин хатти-ҳаракатлари учун қатъий тарзда оғохлантирилди. Чунончи, ОФК бош котиби Питер Веллапан томонидан клуб номига жўнатилган расмий хатда шундай дейилган: «Бундан бунён бу каби воқеалар эътиборсиз қолдирилмайди. Агар жавоб учрашувда ҳам шундай ҳол такрорланса, «Ал-Вихдат» чемпионлар лигасидан четлаштирилади».

АФГОНИСТОН ПУСАНГА БОРАДИ

XIV Осие ўйинларида афғонистонлик футболчилар ҳам қатнашади. Мазкур мамлакат терма жамоаси «Е» гуруҳидан жой олган Эрон, Қатар ҳамда ливанлик футбол-

ЧИЛАВЕРТ ҚАМАЛИШИ МУМКИН

Парагвайлик афсонавий дарвозабон Хосе Луис Чилаверт ҳужжатларни сохталаштирғани айби билан озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Гап шундаки, дарвозабон «Страсбург» жамоаси билан шартнома муддати тугамай туриб ўйнашдан бош тортган, бунга сабаб қилиб клубнинг ундан 2 миллион 400 минг евро қарздорлигини кўрсатган эди. Бирок клуб президенти бу даввони қатъий рад этган ҳамда Чилаверт томонидан Франция Профессионал Футбол лигасига тақдим этилган ҳужжатларни сохта деб атаган. Агар клуб президенти ҳақ бўлиб чиқадиган бўлса, Жанубий америкалик мохир дарвозабон мамлакат қонунларига кўра қамалди 5 йилга озодликдан маҳрум қилинади.



Ф.ХИДИРОВ олган суратлар.

КУБАДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

Бугунги кунда ўзбек бокс дунёда ўз ўрнига эга бўлиб улгурди. Жаҳонда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган, айни пайтда эса профессионал боксда ўз омадини синая кўраётган Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев каби таниқли боксчиларимиз изидан янгида янги иқтидорли ёшлар етишиб келмоқда. Бунинг ҳаваскорлардан иборат терма жамоамиз янгилашган таркиб билан ҳам халқаро майдонда юксак натижаларни қўлга киритаётганида кўриш мумкин.

Ўзбек боксининг янги авлоди машҳур боксчиларимиз аъёнларининг изчил давомчилари экани 16-23 сентябр кунлари Кубанинг Сантьяго де Куба шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўрта-

сида ўтказилган жаҳон чемпионатида яна бир бор аққол намоян бўлди. Дунёнинг 47 давлатидан 264 спортчи иштирок этган мазкур жаҳон чемпионатида мамлакатимиздан 6 боксчи рингга чиқди. Вакилларимиздан Баҳодир Султонов 54 килограмм вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиш, олтин медал соҳиби бўлди. Вазни 57 килограммгача бўлган боксчимиз Улуғбек Бўрибоев фақатгина финалда енгилди. Шунингдек, Алишер Матнӣзов ва Жасур Матнонов жаҳон чемпионатининг бронза медаллари билан тақдирланди. Умуман, ўзбекистонлик боксчилар ўзларининг қаққон ва дадил ҳаракатлари билан мухлисларда илиқ таассурот қолдирди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон терма жамоаси кам таркибда қатнашган бўлса-да, битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида фахрли тўртинчи ўринни эгаллади.

(ЎЗА).

Савдо Департаменти Чилонзор туман Бошқармаси томонидан «Бек-бук» хусусий фирмасига 22.05.2001 йилда берилган N 1652-00 рўйхат рақамли СИ 17027 серияли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик тармоқлари ходимлари қасаба уюшма Марказий Қўмитаси «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси бошқаруви раиси Шавкат Умаровга падари бузуқвору **ХАБИБ отанин** вafоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлади

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.25

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Бу «Турон» кўчаси, 41—уй.